



“ОДАМ САДОСИ ЖИНОЯТЛАРИ ЮЗАСИДАН ДАЛИЛЛАР ТЎПЛАШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ДАЛИЛЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШНИНГ ЁРДАМЧИ УСУЛЛАРНИНГ МУҲИМЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ”

Алламов Дилшод Касымович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Магистратураси “Ташкилий-
тактик бошқарув” мутахассислиги 4-гуруҳ тингловчиси подполковник
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10574672>

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари Ўзбекистон Республикасининг ривожланган давлатлар қаторида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судловни таъминлаш, терговга қадар текширув ва дастлабки тергов жараёнларида далилларни тўплаш ва қайд этишнинг замонавий усулларини жорий қилиш ва бу жараёнда жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга нисбатан мурасасиз муносабатда бўлишда ифодаланган сиёсат олиб борилаётганлигининг ёрқин мисолидир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси¹нинг 2-моддасида жиноят-процессуал қонунчиликнинг вазифалари белгиланган бўлиб, унга кўра, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ушбу қонунчиликнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Албатта, тергов органлари томонидан тергов олиб борилаётган ҳар бир жиноят ишининг туб негизида инсон тақдири, унинг келажаги, унинг шахс ва фуқаро сифатида давлат органларига нисбатан бўлган ишончи ётади.

Шундай экан, инсон тақдирига нисбатан бепарволик билан муносабатда бўлмаслик ҳар бир жиноят иши бўйича фақат ва фақат жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибдагина иш юритишни, тергов жараёнида шахсни ҳам айбловчи, ҳам оқловчи далилларни тўплашни, ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона тергов қилиш лозимлигини англатади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Т-1995. Ўз.Рес. Олий Кенгаш Ахборотномаси №2





Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5268-сонли Фармони² билан далиллар мақбулликка оид нормалар мустаҳкамланиб, улар жиноят-процессуал қонунчиликда билан белгилаб қўйилиши кўрсатилди.

Ноқонуний услублар ва процессуал қонунчиликни жиддий бузган ҳолда далиллар тўпланиши, бу далилнинг номақбул деб эътироф этиш учун асос бўлиши ва шу жумладан, далилларнинг номақбул деб топилиши мумкин бўлган бир қатор ҳолатлар кўрсатиб ўтилди.

Ушбу фармон билан, одам савдоси жиноятлари тўғрисидаги далилларни йиғиш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган услублар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокуратура органлари ёки суд томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тиббий экспертиза ўтказиш орқали мажбурий текширилиши шартлиги қатъий белгиланди.


Бундан ташқари, жиноят процессуал қонунчиликда илк маротаба мазкур фармон билан бир қатор тергов ҳаракатларини ўтказишда мажбурий ҳолда видео қайд этиш амалга оширилиши белгиланди.³

Ҳақиқатан ҳам ушбу фармонга қадар ҳам жиноят-процессуал қонунчиликда далилларни тўплаш учун бирон-бир тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида видео қайд этиш мосламаларидан фойдаланиш мумкинлиги мустаҳкамланган. Бироқ, видео қайд этиш мосламаларидан фойдаланган ҳолда тергов ҳаракатлари натижаларини қайд этиш тергов ҳаракатларини ўтказётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд учун мажбурий бўлмаган.

Юқорида кўрсатилган бир қатор фармонлар талабларидан келиб чиққан ҳолда амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, далилларни тўплаш ва қайд этишда техника воситаларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш белгиланди.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5268/0341-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ 5268-сонли фармони 5-банд, 3-хатбоши. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.12.2017 й., 06/17/5268/0341-сон





Маълумки, одам савдоси жиноятларини тергов қилишда ҳам бошқа жиноятларни тергов қилишдаги каби, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасининг 1-қисмига кўра, далиллар мазкур кодексда кўрсатилган тергов ҳаракатларини ўтказиш йўли билан тўпланади.

Далилларни қайд этишда ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти, шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш, шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш процессуал ҳаракатлари видеоёзув орқали қайд этилиши шарт.⁴


Ушбу процессуал ҳаракатларнинг видеоёзув орқали қайд этилиши одам савдоси жиноятларини тергов қилишда бир тарафдан процессда иштирокчилари яъни, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчиларнинг қонун билан қўриқланган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам асосларидан бири бўлса, бошқа тарафдан бундай тартибнинг ўрнатилиши жиноят ишларини одилона тергов қилишга, жиноят иши бўйича айби бор бўлган шахснинг тўла фош этилиши ва жавобгарлик муқаррарлиги принципини таъминлашга хизмат қилиб, терговни олиб бораётган мансабдор шахснинг ҳам ҳуқуқий ҳимоясини мустаҳкамлайди.

Юқорида кўрсатилган тергов ва процессуал ҳаракатларнинг видеоёзув орқали қайд этилиши ушбу ҳаракатлар орқали олинadиган далилларнинг мақбуллигини янада мустаҳкамлаб, судлар учун жиноят иши юзасидан одилона ва қонуний қарор қабул қилинишини, уларда иш бўйича тўлароқ тасаввурлар ҳосил қилинишини таъминлайди.

Одам савдоси жиноятларини тергов қилиш жараёнида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари натижаларини далилларни қайд этишнинг ёрдамчи усулларида фойдаланган ҳолда қайд этишнинг аҳамияти катта бўлиб, буни қуйидаги мисол билан изоҳлаш мумкин.

Жумладан, одам савдоси жиноятлари юзасидан тергов ва процессуал ҳаракатларни видеоёзув воситалари орқали қайд этиш кейинчалик уларни кўздан кечириш йўли билан тергов ва процессуал ҳаракатларни амалга оширган мансабдор шахснинг ҳам ҳаракатларига қонуний баҳо

⁴ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 91-моддаси, тўртинчи қисми. 91-модданинг тўртинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 майдаги ЎРҚ-617-сонли Қонуни таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон





бериш имкониятини беради ва тўпланган далилнинг мақбуллиги масаласини ҳал қилишда фойдаланиш мумкин бўлади.

Шунинг учун ҳам одам садоси жиноятлари юзасидан олиб бориладиган тергов ҳаракатлари ва процессуал ҳаракатларнинг видеоёзув воситалари орқали қайд этилиши жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга ҳам хизмат қилади.

Шунинг билан бирга, Жиноят-процессуал қонунчиликка кўра, одам савдоси жинояти далилларини қайд этишда ёрдамчи усуллардан фойдаланишнинг ўзига ҳос қоидалари мавжуд бўлиб, терговни юритаётган мансабдор шахсларнинг ушбу қоидаларга риоя этмасликлари далилнинг номақбул деб эътироф этилиши учун асос бўлиши мумкин.

Жумладан, ЖПКнинг 91-моддаси 2-қисмига мувофиқ суриштирувчи, терговчи, суд томонидан далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўллангани, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифи келтирилиб, тегишлича тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилиши лозим.

Бироқ, бугунги кунда амалиётда айрим терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахслар, суриштирувчи ва терговчилар томонидан далилларни қайд этишнинг ёрдамчи усулларидан фойдаланганда ёки далилларни тўплашнинг бошқа усуллари қўлланилганида, улар баённомага далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўллангани, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифларини тўлиқ қайд этмасдан, баённомалар расмийлаштираётганликлари кузатилмоқда. Бу ҳолат суд муҳокамалари жараёнида томонларнинг эътирозига ва судлар томонидан хусусий ажримлар чиқарилишига, айрим ҳолатларда бўлса, ҳаттоки далилларнинг номақбул деб эътироф этилишига ва айблов асосига қўйилган далиллар қаторидан чиқарилишига олиб келаётганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли Қарорининг 2-бандида далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши ва далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва





натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Шунга кўра, одам савдоси жиноятлари юзасидан ҳар бир тергов ёки процессуал ҳаракатни ўтказиш жараёнида қўлланилган техника воситалари ёки бошқа воситалар ЖПКнинг 91-моддаси 2-қисмига мувофиқ **суриштирувчи, терговчи, суд томонидан тегишлича тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида далилларни қайд қилишда қўлланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифи тўлиқ кўрсатилиши шарт.**

Ушбу қоидалар одам савдоси жинояти юзасидан тўпланган ва ишга қўшилган далилнинг манбаси номаълум бўлиб қолишининг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, бугунги кунда одам савдоси жинояти процесси иштирокчиларини, яъни гувоҳ, гумон қилинувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилиш жараёнида уларнинг кўрсатмаларини тўлиқ видеоёзув орқали қайд этиш ўта муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.


Чунки, процесс иштирокчиларининг суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатмаларини суд жараёнида инкор этиб ёки ўзгартириб, бошқа мазмунда кўрсатма беришлари ҳолатлари жуда кўплаб учрамоқда.

Ушбу ҳолат ҳозирги кунда одам савдоси тўғрисидаги жиноят ишларини судда кўришда жуда катта муаммога айланганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шунинг учун одам савдоси жиноятларини фош қилиш ва процессуал ҳаракатларни олиб боришда суриштирувчи ва терговчиларга доимий равишда жиноят процесси иштирокчиларидан кўрсатма олишда уларнинг кўрсатмаларини видеоёзув воситалари орқали қайд қилиш талаб қилинмоқда. **Процесс иштирокчисини сўроқ қилишда ЖПКнинг 106-моддаси**

2-қисмига асосан овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин. Сўроқ тугагач фонограмма, видеоёзув ва кинотасма баённомага илова қилинади. Далилларни қайд этишнинг ушбу усули процесс иштирокчисининг келгусида суд жараёнларида кўрсатмасини инкор этиши ёки ўзгартиришини олдини олишга таъсир қилиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам гумон қилинувчи ва айбланувчилар жиноят процессида кўрсатма бериши ёки кўрсатма беришдан бош тортиш





хуқуқига эга бўлсалар-да, уларнинг дастлабки берган кўрсатмаларининг видео тасвир орқали қайд этилиши жиноят ишини тўла фош этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳулоса қилиб айтганда техника воситалари ривожланиб бораётган ҳозирги даврда одам савдоси жиноятларини фош этиш ва тергов қилишда замонавий усулларини қўллаш, далилларни турли хил техника воситалардан фойдаланган ҳолда олиш ва қайд этиш, микрозарраларни аниқлаш ва улар юзасидан тегишли экспертизалар тайинлаш йўли билан далилларни мустаҳкамлаш суриштирувчи ва терговчиларнинг тергов ишини юритишдаги асосий фаолият йўналишларидан бирига айланиши, уларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини мунтазам равишда ошириб бориш лозим бўлади.

